



ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

¹Маҳмудов Мардонбек Аброржон ўғли

Бизнес бошқаруви кафедраси декан ўринбосари
Тошкент Кимё Халқаро Университети

²Ваҳобов Алишер Восиқович

Илмий реvisor: Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тошкент Кимё Халқаро Университети

E-mail address: mardon.alone@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8016423>

ARTICLE INFO

Received: 30th May 2023

Accepted: 07th June 2023

Online: 08th June 2023

KEY WORDS

Тадбиркорлик, иқтисодий хавфсизлик, ташқи ва ички иқтисодий фаолият, божхона тўловлари, валюта операциялари, яширин иқтисодиёт, рақамли солиқ тўловлари, коррупция, хавфхатар, даромад, кичик бизнес.

ABSTRACT

Ушбу мақолада иқтисодий хавфсизликнинг мамлакат тараққиётидаги ўрни, уни таъминлашда қўлланиладиган усуллар, унинг мамлакат хавфсизлиги билан ўзаро боғлиқлиги, тадбиркорлик фаолияти ва уни самарали бошқариш, молия бозорини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида сўз боради. Тадбиркорларнинг асосий вазифаси давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Иқтисодий хавфсизликни нафақат ташқи, балки ички иқтисодий фаолиятда ҳам таъминлаш божхона тартиб-қоидаларининг бузилишига қарши курашиш, олдини олиш, божхона ва солиқ тўловларини ўз вақтида ва тўғри ундириш ҳисобига давлат бюджетини тўлдириш каби масалаларни ўз ичига олади. Ушбу мақолада тадбиркорлик фаолиятини самарали бошқариш ва ташқи ва ички иқтисодий фаолиятда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг айрим йўналишлари кўриб чиқилади.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги вақтда миллий хавфсизликка раҳна солаётган асосий бўлиб, миллий иқтисодиёт ривожланишига асосий тўсиқ, давлат томонидан амалга ошириладиган ислохотларга қарамай, ижтимоий барқарорликка салбий таъсир қилувчи омилдир. Коррупция обектив иқтисодий қонунлар (Эҳтиёжларнинг юксалиб бориш қонуни, Талаб ва таклиф қонуни, Пул муомаласи қонуни, Рақобат қонуни ва ҳ.к.)нинг эркин амал қилинишини чеклайди, давлатнинг иқтисодий манфаатларига таҳдид солади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ва инновацион ривожланиш йўлига ўтиш билан боғлиқ муаммоларни ҳалқилиш мумкин.

Таҳлиллар. Ривожланган давлатларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли катта.



Кичик бизнеснинг маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришида улуши катта:

–АҚШда тоза даромадларнинг деярли 35 фоизи ва экспортнинг 30% и кичик корхоналарга тўғри келади;

–Франция ва Германияда кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМдаги улуши деярли 50 фоизни ташкил этади;

–Япониянинг қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг деярли 57 фоизи кичик бизнес улуши гатўғри келади;

–Италияда эса миллий даромаднинг деярли 95 фоизи шусоҳага тўғри келади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим манбадир. Хориж давлатларида кичик бизнесга жалб килинганлар сони қуйидагича;

–АҚШ да ишчиларсони 250 дан кам бўлган компанияларга хусусий секторда банд бўлганларнинг деярли 50 фоизи тўғри келади;

–ЕИ давлатларида нодавлат секторида ишлаётганларнинг 70 фоизи кичик бизнес ходимларидир.

Демакки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ичкибозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини ишбилан таъминлаш ва даромади кўпайиб, фаровонлиги ошиб боришига эришишда энг асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Бироқ коррупция боис ҳаққоний ва ижтимоий йўналтирилган ҳалол бизнес бозордан сиқиб чиқарилади.

Инсон фаровонлигини таъминлашни устувор вазифа деб биладиган ҳар қандай давлат коррупцияга қарши қатъий кураш олиб бориш чораларини кўради. Дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 февраль 2017 йилдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ва унинг асосида ишлаб чиқилган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг иккинчи йўналишининг 2.4-бандида «коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш» чораларини белгилаш зарурлиги таъкидланган эди.¹

Шу боис, мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш сиёсатини доимий амалга ошириш мақсадида коррупцияга қарши кураш бўйича махсус давлат органлари фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида Коррупцияга қарши курашиш бўйича қўмиталар ташкил қилинди. Ушбу комиссиялар қабул қилинаётган қонунларнинг коррупция учун қанчалик шарт-шароит яратишини таҳлил ва назорат этиб боради. Коррупциянинг барча турларига барҳам бериш учун жиноят, жиноят-процессуал қонун нормаларини тегишли равишда қайта кўриб

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 8 фев.



чиқилмоқда. Давлат хизматчиларининг, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг «Хулқ-атвор кодекси»ни ишлаб чиқилди.

Коррупциявий жиноятларнинг иқтисодий сабаблари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин: Бир иқтисодий тизимдан иккинчи янги иқтисодий тизимга ўтиш, иқтисодиётнинг беқарорлиги бўлиб, бу, аввало, инфляция, яънипулнинг қадрсизланиши, ишсизликда, нархларнинг ўсишида намоён бўлади. Нархларнинг ўсиши тугайли давлат ва маҳаллий давлат органлари хизматчилари, айрим гуруҳларининг ижтимоий манзилли ҳимояланмаганлиги, уй-жой билан таъминланмаганлиги, тақсимотда ижтимоий адолатнинг бузилиши кўшимча даромад манбаларини излашларига сабаб бўлади.

Шунингдек, юқори даромадга, яъни асосиз олигархлар табақасининг шаклланиши, бу эса мансабдор шахсларни сотиб олиш учун ишлатилишига олиб келади. Соғлом бозор рақобатининг йўқлиги асосиз равишда даромад олиш имконини беради. Давлат хизматчилари ва мансабдор шахслари маошининг етарли эмаслиги ҳам коррупцияни келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда биз учун мутлақо янги бўлган бозор муносабатларига асосланган иқтисодий бошқарув шакли ҳукм суради. Дарҳақиқат, ижтимоий-иқтисодий бошқарув жараёнларининг ўзгариши оқибатида, ҳокимиятнинг бошқарув органларига турли даражадаги инсоний ресурслар келиб қўшилди. Уларнинг кўпчилиги – хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам, шахсан ўзи учун ҳам, фойдани имкон қадар юқори даражада олишга йўналтирилган устувор мотивга эга. Бозор муносабатлари шароитида жамият ҳаётидаги шахснинг ижтимоий муваффақияти бевосита у оладиган даромадга қараб баҳоланадиган, у эгаллаб турган лавозим эса унинг бойлигининг миқёсини белгиловчи мезонга айланган. Зеро, иккинчи минг йилликдан бошлаб Ўзбекистонда иқтисодни бошқаришдаги давлатнинг қатъий маъмурий усули, иқтисодий соҳалардаги монополияни вужудга келтириб, юқоридаги ижтимоий ҳолатларни янада кучайишига олиб келди. Ҳар қандай соҳадаги монополия эса коррупция жиноятларининг вужудга келиши ва чуқур илдиз отиши учун энг қулай шарт-шароит ҳисобланади.

Шунингдек, муайян моддий ва молиявий маблағга эга бўлган давлат ва корпоратив ташкилотларни самарасиз бошқариш ҳолатлари ҳам, коррупциявий виктимликни вужудга келтирувчи сабаб саналади. Чунки бундай бошқарув натижасида моддий ва молиявий ресурслар назоратсиз сарф қилиниши, уларнинг ҳисобини юритишдаги пала-партишликлар, моддий бойликларни сақлаш ва жўнатишдаги ташкилий-назорат нуқсонлари коррупциявий жиноий хулқ-атворни келтириб чиқаради².

Таъкидлаш жоизки, бир томондан ойлик маошнинг етарли эмаслиги коррупцияни сабаблари сифатида қаралса, бошқа томондан айнан коррупция ойлик маошининг ошишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига тўсқинлик қилади.

²Радачинский С.Н. Провокация преступлений как комплексный институт уголовного права: проблемы теории и практики: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Н. Новгород, 2011. – С.44.



Шу жиҳатдан сўнги йилларда Тошкент ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида кўп квартирали арзон уй-жойлар қурилиши ва уларнинг имтиёзли нархларда берилишига³, аҳолининг ижтимоий заиф қатлами, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган паст даромадли оилалар бандлигини, таъминлашга⁴ ойлик маошнинг оширилишига⁵ алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик фаолияти ҳамда экспортга кенг имкониятлар яратилмоқда.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан 2017 йилнинг 3 январида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни,⁶ қонуни қабул қилинди.

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунининг 20-моддаси «Ижтимоий-иқтисодий-ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар», деб номланиши ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг коррупциядан ҳимоя қилиш мақсади кўзланганини кўради.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, ишчанлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат харидлари механизмларини такомиллаштириш, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлашга доир бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Коррупциянинг сабаблари жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан у ёки бу даражада бевосита ёки билвосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам коррупциянинг шарт-шароитлари орасида қуйидаги иқтисодий-ижтимоий омиллар муҳим ўрин тутишини инобатга олиш зарур.

– давлат ҳокимияти органларининг иқтисодий субъектлар фаолиятига ўринсиз аралашishi;

– солиқ ва бож тўловларини белгилаш тизимининг такомиллашмаганлиги;

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // URL: <http://lex.uz>. – 2016. – 22 сент. – ПҚ- №2660.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // URL: <http://lex.uz>. – 2018. – 11 июнь. ПҚ-№3782.

⁵Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». – 2018. – 5 апр. – ПҚ-№3655 қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва Олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 июлдаги ПҚ-3876-сон қарори)»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // URL: <http://lex.uz>. – 2018. – 15 авг. – № 662.

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 4 январь.



- «яширин» иқтисодийнинг мавжудлиги;
- «нарх»ларнинг ўсиб бориши ва пулнинг қадрсизланиши;
- ишсизлик муаммосининг кучайиб бориши;
- аҳоли ўртасида табақаланишнинг кучайиб бориши.

Таклиф ва тавсиялар. Иқтисодий соҳада қуйидаги даражаларда коррупция алоқаларининг мавжудлиги тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилишини инобатга олишни таклиф этамиз:

Биринчи даража – коррупциялашган мансабдор шахсларнинг давлат корхоналари ва тузилмаларида, жамоат корхоналарида, молия ва банк муассасаларида, мулк шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик фаолияти субъектларида иқтисодий жиноятларни содир этиш, битимларни яшириш, жиноий даромадларни легаллаштириш, катта маблағларни нақд пулга айлантириб, келгусида конвертациялаш мақсадида уюшган жиноий тузилмаларнинг хуфиёна ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сохта фирмалар тузишига, уларнинг рўйхатга олиниши ва фаолият кўрсатиши учун рухсат этишига ёрдам бериш.

Иккинчи даражада: уюшган жиноий тузилмаларнинг ташкилотчилари ва раҳбарлари ҳокимият ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари билан коррупция алоқаларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланадилар: катта миқдордаги пул маблағларини, қимматбаҳо қоғозларни олиш билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш; экспорт квоталарини олишда манфаатларни кўзлаш ва ҳимоя қилиш; уюшган жиноий гуруҳлар, уюшмалар тасарруфида бўлган ва улар назорат қиладиган сохта фирмалар ва тижорат тузилмаларининг мақсадли давлат кредитлари, имтиёзлар ва бошқа устунликлар олишида ёрдам бериш; давлатга қарашли катта корхоналарнинг мулкларини хусусийлаштириш жараёнида давлат мулкни бошқариш ҳуқуқини жиноий йўналишдаги тижорат тузилмаларига бериш; ноқонуний равишда молия-хўжалик битимлари тузиш, банк операциялари ўтказиш, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш; давлат маблағларини сохта тадбиркорлик ҳамда хуфиёна бизнесга киритиш ва ҳ. к.

Учинчи даражада: коррупциялашган давлат амалдорлари уюшган жиноий тузилмалар назорат қиладиган ёки уларнинг ўзлари ташкил этган тадбиркорлик тузилмаларининг манфаатлари учун фойдали бўлган қонунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқарувга оид ўзга қарорларнинг қабул қилинишини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган парламент ислоҳотининг асосий мақсадларидан бири қонун чиқариш жараёнини демократлаштириш⁷, бўлиб лоббизмга йўл қўймасликдир.

Тўртинчи даражада: давлат органларининг мансабдор шахслари уюшган жиноий тузилмалар маблағларини расмий иқтисодга йўналтиришда намоён бўлмоқда.

Шу боис, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимояси такомиллаштирилиб борилаётганини эътироф этиш зарур. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика»

⁷Ўзбекистонда жамиятнинг бўлиниши тамойилининг амалга оширилиши. – Т., 2005. – 23 б.



ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2018 йил 30 декабрдаги КК-83, 08/УМ-706-18, 1, 84, 01-02/22-77-сон қарори билан тасдиқланган низомнинг 26- бандида коррупция жиноятлари санаб берилган бўлиб, унда: «Коррупцияга оид жиноятлар тоифасига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192¹, 192², 192³, 192⁴, 192⁵, 192⁶, 192⁷, 192⁸ ва 192¹⁰-м , 192¹¹-моддалари белгиланди.

Юқоридагилар «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIII¹ боби»да «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар», деб номланган бўлиб, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини коррупциядан ҳимоя қилишга ҳамда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш шарти бўлиб хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 5-июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг божхона бошқарувини ислоҳ қилиш ва фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-6005-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 24-ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5582-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонуни. Т., 2000 йил.
4. Усмонова, Д. Т., & Джураева, Ф. (2023). МЕСТО ХИМИИ В СИСТЕМЕ СРЕДНЕГО ОБРАЗОВАНИЯ. Conferencea, 4-7.
5. Усмонова, Д. Т. (2023). Использование Дидактических Игры В Обучение Химии В Школе. International Journal of Formal Education, 2(2), 1-4.
6. Усмонова, Д. Т., Игамназарова, З., & Тоирова, Х. ВАЖНЕЙШИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ И ИХ ТЕНДЕНЦИИ. Zbiór artykułów naukowych recenzowanych., 103.
7. Усмонова, Д. Т., Мирзаева, М., & Маматова, Д. (2023). СИСТЕМА ДОПОЛНИТЕЛЬНОГО ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ШКОЛЕ. Conferencea, 41-44.
8. Tulkunovna, U. D. (2021). THE DEVELOPMENT OF CHEMISTRY TEACHING METHODS IN SCHOOLS. POLISH SCIENCE JOURNAL, 109.
9. Усмонова, Д. Т., & Джураева, Ф. А. (2022). МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ХИМИИ КАК НАУКА И УЧЕБНАЯ ДИСЦИПЛИНА. FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIYA, 1(1), 18-22.
10. Tulkunovna, U. D. (2023). SYSTEM-ACTIVITY APPROACH IN TEACHING CHEMISTRY AT SCHOOL. Journal of Advanced Scientific Research (ISSN: 0976-9595), 3(2).